

5. O'zbekiston Respublikasining 13.04.2016 yildagi "Buxgalteriya hisobi to'g'risida"gi Qonuni, O'RQ-404-son (yangi tahriri)

6. O'zbekiston Respublikasining "Aksiyadorlik jamiyatlari va aksiyadorlarning huquqlarini himoya qilish to'g'risida"gi Qonuni. 06.05.2014 yildagi O'RQ-370-son. (manba: www.lex.uz).

7. IFRS 9 – "Financial Instruments" (Moliyaviy instrumentlar), Xalqaro moliyaviy hisobot standarti

8. Akbarovich, M. A. (2025). Ustav kapitali: buxgalteriya hisobida uni hisobga olishning nazariy jihatlari. raqamli iqtisodiyot (цифровая экономика), (10), 1278-1287

ИНСОН КАПИТАЛИГА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАРИ

Зайниддинов Аловиддин Зайниддин ўғли

Тошкент давлат иқтисодиёт университети мустақил изланувчиси

Глобаллашув ва рақамли иқтисодиёт шароитида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, миллий рақобатбардошликни ошириш ва ижтимоий фаровонликни юксалтиришда инсон капитали ҳал қилувчи омилга айланмоқда. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, иқтисодий тараққиётнинг янги модели моддий ресурсларга эмас, балки билим, малака, инновацион фикрлаш ва соғлом меҳнат ресурсларига таянади. Шу боис инсон капиталига инвестициялар ҳажми ва самарадорлиги мамлакатнинг узоқ муддатли стратегик ривожланишини белгилаб берувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Инсон капитали назарияси илмий жиҳатдан XX асрнинг иккинчи ярмида шакланган бўлиб, унинг ривожланиши Т.Шульс, Г.Беккер ҳамда Ж.Минсер¹⁰² каби олимлар тадқиқотлари билан боғлиқдир. Улар таълим, соғлиқни сақлаш ва касбий тайёргарликка йўналтирилган сармояларни иқтисодий ўсишнинг муҳим манбаи сифатида асослаб бердилар. Бугунги кунда инсон капиталига инвестициялар давлат бюджети, хусусий сектор маблағлари, халқаро молиявий институтлар ресурслари ва давлат-хусусий шериклик механизмлари орқали молиялаштирилмоқда. Шу билан бирга, инсон капиталига инвестицияларни молиялаштиришда қатор муаммолар мавжуд: бюджет ресурсларининг чекланганлиги, инвестиция самарадорлигини баҳолаш методологиясининг етарли даражада такомиллашмагани, хусусий сектор иштирокининг пастлиги, ҳудудлар ўртасидаги номуносиблик, молиявий инструментлар

¹⁰² Блауг М. 100 великих экономистов после Кейнса. – СПб.: Экономикс, 2009. – 384 с., Becker G. S. Human Capital. – N. Y.: Columbia University Press, 1964., Minser J. Investment in Human Capital and Personal Income Distribution. Journal of Political Economy, Supplement, October 1958

диверсификациясининг етарли эмаслиги ва институционал механизмларнинг такомиллаштиришга муҳтожлиги шулар жумласидандир. Айниқса, ривожланаётган мамлакатларда инсон капиталига йўналтирилаётган харажатларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши етарли даражада эмаслиги мазкур соҳада молиявий барқарорликни таъминлаш заруратини кучайтирмоқда (1-жадвал).

1-жадвал

Айрим ривожланаётган давлатларда 2024 йилда инсон капиталига инвестициялар кўрсаткичлари (ЯИМга нисбатан фоизда)¹⁰³

Кўрсаткичлар	Мамлакатлар				
	Хитой	Ҳиндистон	Индонезия	Малайзия	Россия
Таълимга давлат харажатлари	4,0	3,5	1,1	3,5	4,0
Соғлиқни сақлашга давлат харажатлари	3,0	1,5	1,3	2,2	3,2
Илмий тадқиқот ва ишланмаларга давлат харажатлари	2,6	0,7	0,4	1,3	1,0
Инсон капиталы индекси ((HDI/НСI))	0,7	0,65	0,7	0,75	0,7

Ўзбекистон шароитида ҳам янги тараққиёт стратегияси доирасида таълим тизимини модернизация қилиш, соғлиқни сақлаш хизматлари сифатини ошириш, инновацион иқтисодиётга ўтиш ва рақамли трансформация жараёнларини жадаллаштириш инсон капиталига инвестициялар ҳажминини оширишни тақозо этмоқда. Шу нуқтаи назардан инсон капиталига инвестицияларни молиялаштириш манбалари, механизмлари ва самарадорлигини оширишга қаратилган илмий-амалий ёндашувларни ишлаб чиқиш долзарб илмий вазифалардан бири ҳисобланади.

Инсон капиталига инвестицияларни молиялаштириш манбалари тавсифи кўп қиррали бўлиб, улар давлат, хусусий сектор, халқаро ташкилотлар ва инновацион молия инструментларини қамраб олади. Инсон капиталига инвестицияларни молиялаштириш манбалари таркибида асосий ўринни давлат томонидан молиялаштириш эгаллайди. Бу сифатли таълим, соғлиқни сақлаш, касбий тайёргарлик ва ижтимоий ҳимоя соҳаларига сарфланади. Инсон капиталига инвестицияларни давлат (ҳукумат), нодавлат жамоат фондлари ва ташкилотлари, халқаро фондлар ва ташкилотлар, минтақалар, таълим муассасалари, бизнес, оилалар ва

¹⁰³Муаллиф ишланмаси. <https://statbase.org/datasets/science-and-education/>. <https://hdr.undp.org/system/files/documents/hdr2023-24overviewru.pdf>

жисмоний шахслар йўналтириши мумкин. Ҳозирги кунда давлат ушбу соҳада жуда муҳим рол ўйнайди (1-расм).



1-расм. Инсон капиталига инвестициялар манбалари¹⁰⁴

Мамлакатлар иқтисодий тараққиётида илм-фан, техника соҳаларини ривожлантиришга давлат харажатларини ошириш инсон капитали ривожланишининг асосий драйвери ҳисобланади. Ривожланаётган мамлакатлар, хусусан, Ўзбекистон каби мамлакатларда таълим ва соғлиқни сақлаш харажатларининг ошиши инсон капитали сифатини яхшилашга қаратилгани қайд этилган. Хусусий сектор инсон капиталига инвестицияларнинг иккинчи муҳим манбаи ҳисобланади. Хусусий сектор корхоналари томонидан ўз ходимларини ўқитиш, малакасини ошириш, ҳатто соғлиғини сақлашга харажатларни амалга ошириши, келажакда меҳнат унумдорлигини ва корхона фойдасини оширишда муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Кўплаб давлатларда инсон капиталига инвестициялар халқаро ташкилотлар томонидан қўллаб-қувватланади.

Ўзбекистонда инсон капиталига инвестицияларни молиялаштириш муаммолари мамлакатнинг узоқ муддатли иқтисодий ўсиши, меҳнат унумдорлигини ошириш ва миллий рақобатбардошликни мустақкамлаш нуқтаи назаридан стратегик аҳамият касб этади. Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, инсон капиталига йўналтирилаётган молиявий ресурслар ҳажми ва таркиби ўртасида мутаносибликнинг етарли даражада эмаслиги, уларни тақсимлаш ва самарадорлигини баҳолаш механизмларининг такомиллаштирилмаганлиги мазкур соҳада тизимли муаммоларни юзага келтирмоқда. Хусусан, таълим тизими билан меҳнат бозори ўртасида институционал интеграциянинг сустлиги, касбий компетенцияларни шакллантиришда амалий кўникмаларга етарли эътибор берилмаслиги ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасида профилактик ёндашув устуворлигининг пастлиги инсон капитали сифат кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шунингдек, бюджет маблағларини анъанавий тарзда тақсимлаш амалиёти натижага йўналтирилган молиялаштириш тамойилларини тўлиқ таъминламапти. Инвестиция лойиҳаларининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини баҳолаш, мониторинг ва аудит механизмларини кучайтириш зарурати мавжуд. Юқори малакали кадрлар

¹⁰⁴ Муаллиф ишланмаси.

миграцияси ва интеллектуал ресурсларни сақлаб қолиш масаласи ҳам инсон капиталига киритилган инвестицияларнинг қайтарим даражасига таъсир этувчи муҳим омил сифатида намоён бўлмоқда.

Мазкур муаммоларни ҳал этиш мақсадида инсон капитали ривожланишининг узоқ муддатли миллий стратегиясини ишлаб чиқиш ва унинг доирасида аниқ индикаторлар асосида натижага йўналтирилган бюджетлаштириш тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Таълим муассасалари ва ишлаб чиқариш субъектлари ўртасида дуал таълим механизмларини кенгайтириш, касб-ҳунар ва техник таълим инфратузилмасини модернизация қилиш, рақамли технологиялар асосида билим ва кўникмаларни баҳолаш тизимини такомиллаштириш зарур. Соғлиқни сақлаш соҳасида профилактикага асосланган молиялаштириш моделига ўтиш, телемедицина ва рақамли тиббиёт хизматларини кенгайтириш инсон капитали сифатини оширишга хизмат қилади. Умуман олганда, инсон капиталига йўналтирилган инвестицияларнинг самарадорлигини таъминлаш институционал ислохотлар, молиявий механизмларни диверсификация қилиш ва давлат-хусусий шериклик асосида ресурсларни жалб этиш билан узвий боғлиқдир.

ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ МОЛИЯЛАШТИРИШДА ДАВЛАТ ИНВЕСТИЦИЯЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Султанов Дилмурод Эркинжонович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети мустақил изланувчиси

Тарихан, олий таълимни молиялаштириш турли ижтимоий-иқтисодий омиллар асосида ривожланган. Ўрта асрларда университетлар асосан черков ва монархлар томонидан қўллаб-қувватланадиган хусусий муассасалар эди. Саноат инқилобининг ривожланиши ва миллий давлатларнинг шаклланиши билан университетлар фаолроқ давлат маблағларини ола бошладилар. “Масалан, 19-асрнинг охирида кўпгина Европа мамлакатларида давлат университетлари ривожлана бошлади, бу эса аҳолининг кенг қатлами учун олий таълим олишни кенгайтирди”¹⁰⁵. 20-асрга келиб молиялаштириш моделлари мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш даражасига, давлат бюджети тузилишига ва ҳар бир давлатдаги сиёсий вазиятга боғлиқ бўла бошлади. Юқори даражада ривожланган иқтисодиётга эга мамлакатларда (масалан, АҚШ, Буюк Британия, Германия) таълим тизими кўпинча хусусий ва давлат молиялаштириш манбаларини ўз ичига олган. Ривожланаётган иқтисодиётларда эса, аксинча, эътибор кўпинча университетларни давлат

¹⁰⁵ Амеркулова Ж. Д. Внутривузовский рейтинг – как фактор рационального распределения финансовых ресурсов / Ж.Д. Амеркулова, Д.О. Албанбаева // Международный журнал гуманитарных и естественных наук. – 2025. – № 5-1 (104). – С. 125-133. – DOI 10.24412/2500-1000-2025-5-1-125-133. – EDN RCXWNL.